



УШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 ноябр, сешанба №181 (1195)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ДОИМО ТИЛ ТОПИШАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 16-17 ноябр кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди



Ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларга замонавий тус бериш, алоқалар шакли шамоили ва мазмунини давр талабларига, халқаро муносабатлар мезонларига уйғунлаштириш эди. Имзоланган ҳужжатлар шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантикий яқуни ва ҳуқуқий тасдиғи бўлди. Ўзини муस्ताқил ҳисоблаган ҳар бир давлат халқаро муносабатлар тизимида кирар экан, аввало, ўз чегараларини аниқ белгилаб олиши, айни пайтда бошқа давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши керак.

Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома икки муқтақил мамлакатнинг ўзаро муносабатларини замонавий тарзда ривожлантиришга янада кенг йўл очди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бу билан чегаралар ёпилиб қолмайди. Фақат фуқаролар, товарлар ва хизматларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтиши муайян қонун-қоидаларга риоя қилинган равишда амалга ошади. Бу ҳужжат божхона, чегара, солиқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда ҳам асос бўлади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасининг узунлиги 2159 километр. 1999 йили икки мамлакат президентлари Тошкентда учрашиб, делимитацияга оид масалалар ҳам ўз аксини топган Қўшма баёнот қабул қилганидан кейин бу соҳада кўп иш қилинди - чегаранинг

96 фоизи белгилаб чиқилди. Қолган қисми ҳам келишув асосида делимитация қилинмоқда. Афсуски, ҳозир мамлакатлараро муносабатларга раҳна солишга интилувчи бузғунчи кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ғаламислар муайян миллат шаънига, гурурига тегиб, икки мамлакат ўртасида чегара муаммолари борлиги ҳақида турли уйдирмалар тарқатади. Лекин улар бир нарсани чуқур англамайди, яъни азалдан яхши кўшничлик тамойилларига таяниб, иноқ ашаб келадиган икки халқ барибир тил топишади, ҳеч қачон фитналарга учмайди. Остона шаҳрида чегарага оид барча масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари ривожланиб бораётганини кўра олмайдиган кучларга қаттиқ зарба берилди. Ислон Каримов мазкур шартнома кўпчиликка намуна бўлишини айтди. Зеро, ҳозирги муносабатларимиз, биргалик-дан амалга ошираётган ишларимиз узок муддатли стратегик манфаатларимизга мосдир.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги икки ва кўп томонлама асосда қабул қилинган кўп қабатли ҳужжатлардан иборат мустаҳкам қонуний асосга эга. Марказий Осиё давлатлари, МДҲ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида муайян келишувларга эришилган. Лекин чегараларда тартиб ўрнатилмаса, ана шу пойдевор тугал бўлмай қолар эди. Қолаверса, 11 сентябрдан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришлар, Афғонистондаги воқеалар ўзидан хавфсизлик масаласига янгича ёндашув талаб қилади. Мазкур шартноманинг долзарблиги ҳам шунда.

Модомики, гап Афғонистонга тақалган экан, икки мамлакат Президентларининг Остонадаги матбуот анжуманида берган баёнотларига тўхталиб ўтсак. Мазкур мамлакатдаги воқеаларга муносабат, аксилтерор операцияси бораётган нуктаи назарлар бир хил. Хавф, террорга қарши кураш йўллари бир хил боҳоланган. Илгари ҳам таъкидланган - бу Афғонистонга, Афғон халқига, мусулмонларга қарши уруш эмас.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Бекободда қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларни тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар ҳамда ҳудудий комиссиялар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Унда ўтган давр якунлари кўриб чиқилиб, натижалар ижобий баҳоланди. Таъкидландики, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш бўйича белги-ланган топшириқ ортиғи билан бажарилди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиздаги тоғ-кон қайта ишлаш корхоналари ва қурилиш мажмуи учун металл маҳсулотларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминламоқда.

Бироқ ҳисобот даврида барча корхона ва ташкилотлар ҳам рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш бўйича белги-ланган топшириқларни тўла бажармади. Йиғилишда бу борада сусткашликка йўл қўяётган ташкилотлар раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари - комиссия раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокурорлари иштирок этди.

Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарган йиғилишда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, жазони ижро этиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидан келган болаларни ижтимоий реабилитация қилишнинг аҳоли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда бундан бир йил муқаддам болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳукумат қабул қилган махсус қарор жойларда изчиллик билан амалга оширилётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, жойларда кўпгина комиссиялар ўз ваколатлари доирасида таълим сифатини ва ҳуқуқий ёмон ўқувчилар тарбиясини яхшилаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида етарлича ташаббускорлик кўрсатмаётган. Ҳамма жойда ҳам таълим, ички ишлар идоралари ва комиссиялар ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бормаяпти, намунали оилалар тажрибаси ва маҳаллалар имкониятларидан унумли фойдаланилмаётган.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш, комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб четдан келтириладиган ва республикада ишлаб чиқариладиган ун, ўсимлик ёғи ва қанд-шакарни сотиш фақат юридик шахслар томонидан шартномавий шартлар бўйича, воситачилар сонидан қатъи назар кўпи билан 25 фоиз миқдорда белги-ланадиган чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Қашқадарё вилоятида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларига мувофиқ аҳолини кундалик эҳтиёж истеъмол товарлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунга қарамасдан, вилоят давлат солиқ, монополиядан чиқариш ва ронобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда айрим савдо нукталари ва бозорларда ноқонуний равишда ун, шакар, ёғ маҳсулотлари сотилаётганлиги аниқланди.

— Савдо корхоналари томонидан кундалик истеъмол товарларига нархларни шакллантиришнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрна-

САВДОДАГИ ҒАВҒО

тилган, — дейди Ғузур туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Узоқ Худойкулов. — Бунинг учун махсус гуруҳлар тuzилган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларнинг ноқонуний сотилишига йўл қўймаслик чоралари кўриляпти.

Тумanning 144 мингдан ортиқ аҳолисига 87 та савдо нукталари 9 хилдаги меъёрий товарларни тарқатади. Ғузурликлар учун бир ойда 577 тонна ун, 100-120 тонна шакар, 180 тонна ўсимлик мойи талаб этилади.

Шаҳардаги Р.Имомова раҳбарлик қилаётган «Ўзал»

очик ҳиссадорлик жамияти 3500 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Хўжагузар ва Мирзо Турсунзода маҳаллаларида яшовчи фуқароларга меъёрий товарлар вақтида етказиб турилибди.

Лекин «Кувонч»хусусий савдо дўкони мудир У.Пармонов Вазирлар Маҳкамаси

қарори талабларини унутиб қўйган кўринади. Утказилган текширишда у бир килограмм ўсимлик ёғини белги-ланган 25 фоиз устамасидан 69 сўм ортиқча нархда пуллаётганда қўлга тушди. Қонунбузар сотувчи жавобгарликка тортилди.

Тумanning Эскибоғ қишлоғида яшовчи А.Саматов 12 килограмм, шаҳарнинг Оксарой кўчасида истиқомат қилувчи З.Нурматова 30 килограмм ўсимлик ёғини ноқонуний сотаётган экан. Маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди ва қонун-ни бузган шахсларга нисба-

Қарор ва ижро

тан тегишли чоралар кўрилди. Солиқ инспекцияси ўтказган текширишларда кўп қабатли даромадни яшириш ҳоллари аниқланди ва қонунбузарларга нисбатан молиявий, 117 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жарималар қўлланилди. «Самар»хусусий фирмаси катта миқдорда савдо тушумини банк муассасасига вақтида топширмаганлиги учун айбдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари, Қосон, Нишон, Чирокчи, Яққабоб, Китоб туманлари бозорларида меъёрий товарлар билан қонунга ҳилоф равишда савдо қилиш ҳоллари кўпроқ учрамоқда. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган савдо нукталарида қонунсиз равишда ун, шакар, ёғ оширилган нархда сотилмоқда.

Вилоятнинг айрим савдо нукталарида содир этилаётган бундай камчиликларга нисбатан ҳамжиҳатликдаги тадбирлар олиб борилляпти.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Эътироз

АЛАҲСИРАШ

НТВ телеканали орқали намойиш этилган «Каменная семья» («Тош оила») деб номланган кўрсатув биз — журналистларни бағоят ҳайратга солди, тунотқириб юборди. Бойси, унда кўтарилган масалалар уйдирмадан иборат эди.

Равшанки, иккинчи жаҳон уруши даврида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг умрдоши Баҳринисо ая 14 нафар турли миллат болаларини ўз қарамоғларига олиб, меҳр-муҳаббат билан парваришладилар. Оғир дамлар, очарчилик бўлгани учун ўзбек оиласида бу ўғил-қизларни тарбиялаш, қорнини тўйгазиш қанчалик қийин бўлганлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Ўзбекининг бағри кенглиги, болажонлиги каби ажойиб фазилатлар «Сен етим эмассан» филмида ҳам муносиб равишда ўз ифодасини топган. Бу филмни ҳар гал чуқур таъсирланмай, ҳаяжонланмай томоша қилиш мумкин эмас.

Ана энди қарангки, россиялик журналист О.Надтачей хоним «Каменная семья» деб номланган кўрсатувда таъкидлашча, тошкентлик темирчи, унинг оиласи қандайдир имтиёزلарни назарда тутиб, шунча болани қарамоғига олган эмши. Бунинг эвзасига ор-

денлар билан муқофотланган, ерлари кенгайган, деган курақда турмайдиغان фикрларни илгари суриши қайси бир ақлга тўғри келади?!

Ачинарлиси шунки, кўрсатув ижодкорларидан бири ўзимиздан чиққан, тузимини ичиб, тузлугимизга тупурган, ношуккур кимса экан. Ҳўш, бундай уйдирмалардан иборат кўрсатувларни тайёрлашдан мақсад нима? Жавоби тайин. Кимлардир муқтақил Ўзбекистонда эришилаётган ютуқларни, тинч-осуда ҳаётни, миллатлараро ҳамкору ҳамжиҳатликни кўролмаётган. Бундай хатти-ҳаракатлар жазавога тушиб, ширин ҳаётимизга раҳна солишга уринишдан бошқача нарса эмас. Буни фидокор халқимиз, фуқароларимиз ҳам яхши тушунишади. Биз — журналчи бундай ярама сачишларга қарши қатъий эътироз билдирамиз. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳринисо аяларнинг олижаноблиги, қаҳрамонлиги, инсонпарварлиги, саховатпешалиги тимсолида ўзбек халқининг миллий фазилатлари бетакор эканлиги мужассамланган. Унга гард юктиришга асло йўл қўймаймиз!

«ИШОНЧ» газетаси журналистлари.

Инсонпарварлик ва инсонга ҳурмат, унинг пок номига, ҳуқуқига бўлган муносабат фақат сўзда эмас, балки шахснинг ҳуқуқларини нишонлаши ҳимоялаш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни таъминловчи кафолатга айланиши керак. Шу мақсадда, Конституцияимизнинг 25-26-моддаларига ҳеч қим қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги каби инсонпарварлик ва адолат руҳи билан суғорилган қондалар киритилган.

Шу ерда соҳибқирон Амир Темур бобомиз фуқаролар, раёият ҳақуқларини қанчалик одиллик билан ҳимоя қилганлигини эслаш ўринлидир. «Салтанатим мартабасини қонун-қондалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди... Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интидим» деб ёзади ўз «Тузуклари»да. Ҳар қандай кишилик жамияти инсоннинг, ўз фуқаросининг ҳуқуқий муҳофазасини тўла зиммасига олмас, унга қафил бўлмас экан, унинг истиқболи ҳам порлоқ бўла олмайд.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунини давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва эркинликларини мустақамлашдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайд.

Конституцияимиз энг демократик, халқаро микёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб бериши хорижлик етук мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган. Бугунги кунда Конституцияимиз суверен давлатимиз-

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ни ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг ҳам инкор қилмаслик керакки, кундалик ҳаётда инсонни, фуқаронини камситадиган айрим ҳолатлар ҳам учраб туради. Бу ҳол мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофазасидаги органларига, яъни вазифасига кўра инсон ҳуқуқларини муҳофазасида қилиши лозим бўлган кишиларга мурожаат қилинганда яққолроқ кўзга ташланяпти. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида суд органлари қатъий позицияда турмоғи талаб этилади. Шу маънода республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70та стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳуқуқнинг ўз фуқаролари олдидagi мажбуриятлари белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳозирча бу стандартлардан 20 га яқинига қўшилган.

Бундан ташқари Европа Кенгаши томонидан

Асосий қонуниimiz яшамокда, амал қилмоқда

160 дан зиёд, ЮНЕСКОда — 70 дан ортиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТ) томонидан — 30 дан кўпроқ турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқлари оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирги

—Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга тузилганда бошлаб тааллуқлидир, яъни табиийки ҳуқуқ ғоясининг, на-зариясининг эътироф этилиши;

этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўйбга чиқаришнинг энг асосий шarti бўлиб қолиши керак.

— Конституцияимизнинг шахс ёки фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган бўлиб, ундаги моддалар мантқиқий тизимни ташкил этади. Булар ҳуқуқ ва эркинликларнинг, шахс ва фуқаролар турмуш даражаларининг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Мана шу белгиларга асосланиб конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: шахсий, сиёсий, иқтисодий-иқтисодий ҳуқуқлар.

Мана тўққиз йилдирки, она дёйримизда Асосий Қомусимиз — Конституцияимиз яшамокда. Конституция Асосий Қонуни- миз, унга улкан ижодий ва яратувчилик қудрати жо қилинган. Конституция асосий сиёсий — ҳуқуқий ҳужжат бўлишидан ташқари, у миллий давлат мустақиллигимизнинг буюк рамзи ҳамдир.

ЭРКИН МЕҲНАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 37-модда)

Бахтимиз китобида инсон, унинг эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Бизнинг жонажон юртимизда қонун устувор. Ҳар бир инсон эмин-эркин меҳнат қилиш, дам олиш, касб танлаш, билим олиш каби ҳуқуқларга эга. Адолат кўзгуси бўлмиш Конституцияимиз биз учун буюк келажак йўлидир.

Бугун биз — деҳқонлар, фермерлар учун меҳнат ҳақиқий бахт-саодат, тўқин-сочинлик манбаига айланди. Тадбиркорлик, тер тўкиб ишлашимиз натижасида оиламизга қут-баракат кириб келди. Бола-чақамиз билан меҳнати- мизнинг роҳатини кўраямиз.

Яхши эслайман, бир вақтлар эрта тонгдан то кун ботгунга қадар далада ишлардик. Бироқ, биримиз икки бўлмади. Энг ачинарлиси, қадр топмадик. Мустақиллик шарофати ила армонларимиз чекинди, асрий орзуларимизга эришмоқдамиз. Буни ўз ҳаётим, меҳнатим самаралари, фарзандларим қамолти тисмолида яққол кўриб турибман.

Ўтган мавсумда 29 гектар майдондан 15 гектарига чигит экиб, биринчи теримдаёқ 40 центнердан ҳосил олиб, давлат бюрут-


масини ортиғи билан бажаришга эришдик. Галла хирмонимиз ҳам юқори бўлди. Ўғлим Азимга қарашли майдондан 86 центнердан дон йиғиб олдик. Давлат бю- юртмаси, ҳўжалик билан имзоланган шартнома бўйича 150 тонна галла топширдик. 76 тонна ошиқча бугдой ўзимизга қолди.

Албатта, бундай катта хирмон тимисиз меҳнат ва заҳмат орқали яратилди. Турмуш ўртоғим, фарзандларим, келин, кўёларим: Азим, Акрам, Баҳром, Наргиза, Саҳобат, Феруза, Зиёд, Камоллар билан биргаликда тимисиз ҳаракатда бўлдик. Ҳўжалигимизга 3 миллион сўм соф фойда келтирдик. Ўзимиз иш ҳақи сифатида 428 минг сўм пул олдик.

Бу йил ҳам 46 гектар майдонни ижарага олиб, пахта учун ажратдик, қолганига бугдой эдик. Ўғит билан озиқлантирдик, суғордик. Ҳозирги кунда бугдой майсаларининг авжи яхши. Кўп йиллик тажрибани ишга солиб, ҳосилдорликни, ер самарадорлигини ошириш ҳаракатимиз. Бунда даромадимиз ҳам ортиб боради, турмуш шароитларимиз яхшиланади. Бизлар етиштирган тонналаб бугдойлар ун бўлиб, нон бўлиб, халқимиз дастурхонларини безайди.

319 та оилавий пудратчини ўзида бирлаштирган ширкат ҳўжалигимизда пахта ва галладан мўл ҳосил етиштирилди. Масалан, Фиёс Қўлибоев катта хирмон яратиб, 1 миллион 90 минг сўм қўшимча даромад эгаси бўлди. Ҳамқишлоқларим ҳалол меҳнат билан мўмай даромад олиб, турмушлари яхшиланиб бораётганини кўриб қувонаман.

Мухаббат РИЗАЕВА,
Пискент туманидаги Аҳмад Ўстубеков номли ширкат ҳўжалигининг ижарачиси, «Шухрат» медали соҳибаси.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

оиламизга қут-баракат кириб келди. Бола-чақамиз билан меҳнати- мизнинг роҳатини кўраямиз.

Яхши эслайман, бир вақтлар эрта тонгдан то кун ботгунга қадар далада ишлардик. Бироқ, биримиз икки бўлмади. Энг ачинарлиси, қадр топмадик. Мустақиллик шарофати ила армонларимиз чекинди, асрий орзуларимизга эришмоқдамиз. Буни ўз ҳаётим, меҳнатим самаралари, фарзандларим қамолти тисмолида яққол кўриб турибман.

Ўтган мавсумда 29 гектар майдондан 15 гектарига чигит экиб, биринчи теримдаёқ 40 центнердан ҳосил олиб, давлат бюрут-

масини ортиғи билан бажаришга эришдик. Галла хирмонимиз ҳам юқори бўлди. Ўғлим Азимга қарашли майдондан 86 центнердан дон йиғиб олдик. Давлат бю- юртмаси, ҳўжалик билан имзоланган шартнома бўйича 150 тонна галла топширдик. 76 тонна ошиқча бугдой ўзимизга қолди.

Албатта, бундай катта хирмон тимисиз меҳнат ва заҳмат орқали яратилди. Турмуш ўртоғим, фарзандларим, келин, кўёларим: Азим, Акрам, Баҳром, Наргиза, Саҳобат, Феруза, Зиёд, Камоллар билан биргаликда тимисиз ҳаракатда бўлдик. Ҳўжалигимизга 3 миллион сўм соф фойда келтирдик. Ўзимиз иш ҳақи сифатида 428 минг сўм пул олдик.

Бу йил ҳам 46 гектар майдонни ижарага олиб, пахта учун ажратдик, қолганига бугдой эдик. Ўғит билан озиқлантирдик, суғордик. Ҳозирги кунда бугдой майсаларининг авжи яхши. Кўп йиллик тажрибани ишга солиб, ҳосилдорликни, ер самарадорлигини ошириш ҳаракатимиз. Бунда даромадимиз ҳам ортиб боради, турмуш шароитларимиз яхшиланади. Бизлар етиштирган тонналаб бугдойлар ун бўлиб, нон бўлиб, халқимиз дастурхонларини безайди.

319 та оилавий пудратчини ўзида бирлаштирган ширкат ҳўжалигимизда пахта ва галладан мўл ҳосил етиштирилди. Масалан, Фиёс Қўлибоев катта хирмон яратиб, 1 миллион 90 минг сўм қўшимча даромад эгаси бўлди. Ҳамқишлоқларим ҳалол меҳнат билан мўмай даромад олиб, турмушлари яхшиланиб бораётганини кўриб қувонаман.

Мухаббат РИЗАЕВА,
Пискент туманидаги Аҳмад Ўстубеков номли ширкат ҳўжалигининг ижарачиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

Ижтимоий ҳимоя ГАМҲЎРЛИК КЎЛАМИ

вилоятда ногиронларнинг уюшган ҳолда дам олишини кўзлаб, 61 та янги жамият маркази ташкил этилди

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ёрқин ифодаланган Асосий Қомусимизнинг 22-моддасида шундай сатрлар бор: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойлик кўрсатишни кафолатлайди». Демак, ушбу қайдлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳар бир фуқаро давлат ҳимоясида, у мудоом гамхўрлик огушида. Бухоро вилоятида ҳам кўплаб хайрли ишлар қаторида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Асосий қонуниимиздан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётди.

Инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, бу эзгу ва савоб ишнинг бошида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси турибди. Айни пайтда ўнлаб йилри корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари юридик шахс макомини олган тадбиркорлар, фирмер ҳўжалигининг раҳбарлари ҳам аҳоли кенг қатламларини ижтимоий ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор билан ёндашяптилар.


Ҳукуматимиз қарори ҳамда вилоят ҳокимининг махсус Фармойиши асосида жорий йилнинг ўтган ўн ойида рўйхатга олинган 856 нафар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга 679163 минг сўмлик доридармон етказиб берилди.

Бош бошқарма бошлиғи Илхом Омоновнинг таъкидлашича, бу йил вилоятдаги ногиронларни уюшган ҳолда дам олишларини кўзлаб, жойларда 61 та жамият маркази ташкил этилган. Уларга жалб қилинган ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлар сони 500 нафардан ошиб кетди. Жондор, Гиждувон, Вобкент, Бухоро туманларидаги марказлар фаолиятини ҳар жиҳатдан ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Марказ ва жамоатчилик мададига суяниб ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлашга эътибор қаратилди. Ўтган даврда йигирмага яқин якка-ёлғизлар бу гамхўрликдан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, уларни бир пиёла чой баҳонасида дийдорлашиб, дилдан сўхбат қуришлари учун имконият яратилмоқда. Жамоа бўлиб зиёратгоҳ жойларга саёхатга олиб бориш, кўнгилочар тадбирлар ўтказишга ҳам аҳамият берилаяпти.

Ўтган даврда 200 нафарга яқин ёлғиз пенсионернинг ўзига тўқ оилалар ҳомийликка олдилар. Кўмакка муҳтож кишиларга озиқ-оват маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа саноат моллари етказиб бериш улар диққат-марказида турибди. Ҳозирга қадар ёлғиз кексаларга 1,7 миллион сўмлик озиқ-оват, 4,5 миллион сўмлик кийим-кечак ажратилди. 600 нафарга яқин якка-ёлғизга 1,2 миллион сўмлик қўшимча хизмат кўрсатилди. Кўплаб ногиронларга уларнинг тақдирлари асосида эшитиш мосламалари, кўзойнақлар, ҳасса ва бошқа ортопедик мосламалар етказиб берилди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири.



Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат-кашларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, иш билан таъминлаш ғоят долзарб масаладир. Ҳукуматимиз кишлоққа саноатни олиб кириш, кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги ҳам шу боисдан.

Ҳўш, аҳоли анча зич жойлашган Балиқчи туманида «Бандлик» дастуридан келиб чиқадиган вазифалар қандай амалга оширилаяпти? Афсуски, туман бу борада мақтана олмайд.

Бунга муаммолар ҳам, мисоллар ҳам кўп. Хусусан, ҳудуддаги «Олимбек» жамоаси ширкат ҳўжалигига ўтди-ю, 400 нафарга яқин фуқаро ишсиз қолди.

— Уларнинг барчаси туман меҳнат бўлими рўйхатида қайд этилган, — дейди ҳўжалик бош-қаруви раиси Гуломжон Аҳмаджонов. — Ўзимиз эса ҳозирча янги иш ўринларини яратолмадик...

Эътироф яхши. Лекин кичик ва ўрта бизнесни ташкил этишга ун-чалик ошиқилаётгани кишини ажаблантиради.

Бори ҳам ўлда-жўлда. Ўн кишидан иборат «Атлас» кичик корхонаси бино-йидек ишлаб туради. У ҳам қандайдир сабаблар билан фаолият кўрсатмаётди. Тўғрироғи, корхона раҳбари Худойберди

дай замонавий бинодан ҳозирда биллиардхона сифатида фойдаланишмоқда.

Бир пайтлар яхши ниятлар билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва цехи ишга туширилганда, бир неча ўнлаб иш ўринлари очилганидан қишлоқда-гилар роса қувонишган эди. Аммо бу хурсандчилик ҳам узоққа чўзилмади. Цех равнақи учун жон қойтадиган одам

навий мактаб қурилган-ди. Лекин ҳамон бўм-бўш, маскан биронта ўқувчини ўз бағрига олмади. Бинодан ханузгача ҳеч қандай мақсадда фойдаланилмаётганлиги барчани ажаблантирмоқда...

Биз ҳўжалик касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаятган ишлар билан танишиш мақсадида касабакўм раиси Маматкарим Эр-

«Тошкент-телеком» акциядорлик жамиятининг Олмалик бўлими ходимлари алоқа хизмати сифатини яхшилаш борасида жиддий изланыпти. Хусусан, кейинги пайтда мижозларга алоқа хизматининг бир қатор қўшимча турлари тақлиф этилди. «Автоқўнғироқ» ана шулардан биридир.

«АВТОҚЎНҒИРОҚ» - 11-ХИЗМАТ ТУРИ

Бугун шаҳарда 20 мингдан зиёд телефон ишлаб турибди. Намунали алоқа хизматидан тўла баҳраманд бўлиш истагидаги мижозлар эса қўшимча алоқа хизматидан ҳам фойдаланмоқда. Зеро, бугунги телефон оддийгина қурилма эмас. У, агар хоҳласангиз, сизни тонгда уйгойтиши, меҳмондорчиликка бораётган хонадонингизни оғохлантириб қўйиши, сим қоқиб асабингизни бузган безорини дарров аниқлаб бериши мумкин.

«Автоқўнғироқ» - ўзaro ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширишда қўл келадиган алоқа хизмат тури. Яъни, у алоқа бўлиминдан қарзинга бор-йўқлигини, шаҳарлараро сўзлашувлар қанчага тушганини айтиб туради. Олмалиқлик алоқачилар айни кунларда мижозларга тақлиф этаётган қўшимча хизмат турлари шу билан ўн биттага етди.

Хизмат кўрсатиш савиясини юксалтириш, мижозларга тез ва соз хизмат кўрсатишга интилаятган алоқачилар йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 254 миллион сўм даромад олди. Бунга эса хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш орқали эришилмоқда.

(ЎЗА)

Ҳақиқат қарор топсин

Бирок ва бора-бора иш тўхтаб қолди. Корхона ханузгача хувиллаб ётибди. Ҳақли савол туғилади. Кундан-кунга талон-тарож бўлаятган цех қачон ўз эгасини топади?...

Бундан ташқари, темир эшик ва панжаралар ясаш цехи кейинги йилларда бутунлай бар-ҳам топти. Ҳўжалик ҳудудига иккита замо-

матовни йўқладик. Бирок ва киши раиснинг топшириғи билан қаёққадир кетган экан. Шундан сўнг туман агро-саноат ходимлари мажмуи касаба уюшма кўмитасидан «Олимбек» ширкат ҳўжалиги бош-лангич касаба уюшма кўмитасига тегишли маълумотларни олди. Маълум бўлишича, жорий йилда меҳнаткаш-


ИНСОН САЛОМАТ БЎЛСА, БАС

Тошкент вилоятида «Она ва бола» давлат дастури доирасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Зангиота туманида иш бошлаган вилоят клиник касалхонаси бунга яққол мисол бўла олади.

Бир юз эллик беморга мўлжалланган мазкур шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унда умумий терапия, жаррохлик, урология, неврология, травматология, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимлари мавжуд. Шунингдек, бу ерда илк бор сунъий буйрак бўлими ҳам ташкил этилди. Касалхона хузурида вилоят маслаҳат-ташхис поликлиникаси ҳам фаолият кўрсата бошлади.

СУРАТЛАРДА: шифохонанинг кўриниши; жаррохлик бўлими.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ислоҳат чорраҳалари

«БАЛИҚЛИ»НИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида «Балиқли» деб аталадиган кўл борлигини республикамизнинг ҳамда кўшни давлатларнинг сийхатдоҳларида, шифохоналарида ҳамда бошқа саломатлик масканларида яхши билишади. Кўп йиллар давомида унда ҳосил бўлган шифобахш балчиқнинг баҳоси йўқ. Ўзбекистонимизнинг барча сийхатдоҳлари ана шу табиий неъматни ишлатиб, ҳар йили минглаб юртдошларимизни меҳнат кучоғига қайтараётирлар. Ушбу балчиқ беморлар дардига малҳам бўлаётир.

Бирок ушбу ҳудуд эгасиз бир жойга айланган эди. Мижозлар шифобахш балчиқни қандай қилиб, ким орқали, унинг қайси томонидан олишни билишмасди. Ҳар ким ўз билганича бу ерга келар, маҳаллий аҳоли орасидан чиққан «учарлар» ёрдамида машиналарига балчиқ юклаб, олиб кетишга уришарди.

Мазкур балчиқнинг шифобахшлик хусусиятларини ва захираларини абадий сақлаб қолиш, бунинг учун унинг устини доимий равишда маълум миқдорда сув қоплаб туришини таъминлаш тўғрисида қайғурадиган, шу йўналишда маблағ сарфлайдиган ташкилотнинг ўзи йўқ эди. Кўл атрофидаги ҳудудлар мажмуавий

равишда ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалигини фойдаланишга топширилиши оқибатида «Балиқли» кўлининг суви камайиб кета бошлади. Натижада, кўл тақдири хавф остида қолди.

Буни пайқаган Жиззах вилоят ҳокимлиги хунук оқибатнинг олдини олиш ҳаракатига тушди. Вилоят ҳокимининг 2001 йил 25 октябрдаги қарори билан «Балиқли» кўлига алоҳида кўриқланадиган ҳудуд мақоми берилди. Шундай қилиб кўл ва унинг атрофидаги 2200 гектарга яқин майдонда ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, фақат даволлаш ва кўл атрофини ободлаштириш билан машғул бўлиш, юқорида айтилган ҳудудларда захарли кимёвий ва

зиёнкорли моддалар чиқиндиларини кўмиш сингари ҳар қандай фаолият қатъиян ман этилди.

Шу йўсинда «Балиқли» кўлининг янги мақоми — вилоят табиати муҳофазаси қилиш Давлат кўмитасининг алоҳида муҳофазаси этилаётган ҳудуди бўлиб қолди. Жонқуяр ва омилкор раҳбар Эркин Холматов раҳбарлигидаги кўмиш мутахассислари дарҳол ишга киришди. Кўл атрофида кўриқчилар қўйилди, туташ ҳудудларнинг

озодлигини таъминлаш, ободлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишга киришилди. Шу тариқа кўл неъматларини талон-тарож қилишга чек қўйилди.

Физиотерапевтика шифохоналари, курортлар, санаторийлар, хуллас, «Балиқли» балчиқдан фойдаланишни ис- таган барча муассасалар эътиборига шунини етказмоқчимизки, бундан буён яъни 2001 йилнинг ноябридан бошлаб балчиқни вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитасининг

ТАХРИЯТДАН:

Ўзбекистонимиз чиндан ҳам табиий захираларга бой мамлакатдир. Унинг ерости ва ерусти жавоҳирлари она-Ватанимизнинг қудратига қудрат қўшмоқда, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Олтин ва нефт, газ ва кўмир, мрамар ва маъданли сув чашмалари сингари ўнлаб нодир бойликлар ҳаммамнинг ҳавасини келтиради. Шу босидан ҳам уларни авайлаб-асраш, самарали фойдаланиш юзасидан Президент фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари эълон қилинган.

Юқорида зикр этилган бойликлар орасида инсонлар саломатлиги учун ишлатиладиган ашёлар ҳам борки, баъзан биз уларга лоқайд муносабатда бўламиз. Хусусан, айтилган

шифобахш балчиқлар ҳам мана шундай ноёб даво воситалари сирасига қиради. Мақолада айтилганидек, Зафарободдаги «Балиқли» кўлида ҳосил бўлган, мўъжизакор даволаш хусусиятига эга манбага — шифобахш балчиқ ҳамини ҳамини таъминлаш маънода Жиззах вилоят ҳокимлиги саъй-ҳаракатларини хайрли иш деб баҳолаш мумкин. Мазкур хайрли тадбирга ҳисса қўшиш ниятида «Ишонч» газетаси тахририяти «Балиқли» кўли ва унинг фаолиятини ортиқча олишга қарор қилди. Тахририят ҳодимлари бу жараёни газета саҳифаларида кенг ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: болам бир ёшга тўлганида болаликдан ногиронлик нафақаси тайинланди. Айтингчи, ана шу нафақа билан бирга маҳаллада, бола икки ёшга тўлганга қадар бериладиган нафақани ҳам бир вақтда олишим мумкинми?

Н.Ҳайитова, Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: албатта мумкин. Чунки сиз бола икки ёшга тўлганга қадар уни парвариш-лаш учун нафақани маҳалла орқали олаётган бўлсангиз, демек, Сиз ишламайдиган оналар тоифасига кирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 15 феврал

635-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишламаётган оналарга бола икки ёшга тўлганга қадар уни парвариш-лаш учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва



тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан нафақа белгиланган. Бундай нафақа болани парваришлаш учун онага тайинланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз

фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза боланинг ота-оналаридан бири ёки вазисий томонидан берилди ва нафақа улар яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими орқали тайинланади ва тўланади.

Бундай нафақа боланинг ногиронлиги учун берилди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шунини айтиш жоизки, бу нафақа икки турдаги нафақа ҳисобланади ҳамда улар бир вақтнинг ўзида онага тўланаверилади.

Гижувон туманидаги Улфатбиби қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Мизроб Боммуродов Фишти қишлоғида харобага айланган бино ўрнида замонавий савдо маркази тиклади. Марказ иш бошлагач, қишлоқнинг 50 нафар йигит-қизи иш билан таъминланди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Гижувонлик фермер Шариф Бекмуродов туман меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бўлимида 15 миллион сўм кредит олиб, сутчасига 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мини завод қурди. Натижада 15 нафар қишлоқ ёши янги иш ўрнига эга бўлди.

Гижувон вилоятдаги аҳоли энг кўп яшайдиган туманлардан бири саналади. Жамоа хўжаликлари ширкатга айланган, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги ишсиз қолди. Оқибатда аҳоли иш билан таъминлаш долзарб масаласи айланди.

Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, туманда аҳоли иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар қилинган. 2001 йилнинг ўтган даврида янги корхоналар барпо этиш ҳисобига 1 минг 145 киши иш билан таъминланди. Кўплаб корхоналар қайта жиҳозланиши, шунингдек, 2 минг 707 нафар кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолияти йўлга қўйилиши натижа- сисда 6 йил 748 янги иш ўрни яратилди.

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сафи ҳам бу йил кўпайди. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимига томонидан ишсиз деб рўйхатга олинганларнинг аксарига ишсизлик нафақаси тўланмоқда. Таълим муассасаларини тугатган 2 минг 377 нафар ёш, 304 нафар ҳарбий хизматдан захирга бўша- тилган аскар, ногирон ва пенсия ўшига ақин- лашган 105 киши, жазо- ни ижро этиш муассасаларидан озод қилин- ган 190 шахс иш билан таъминланди. Аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш янада кучайти- риш мақсадида шаҳар ва туманларда 53 маро- таба меҳнат бозори яр- маркаси ўтказилди.

Илҳом САҒАР, ЎЗА муҳбири

Саҳоват

Термиз шаҳар ижтимоий таъминот бўлими аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 57 нафар парваришга муҳтож якка-ёлғиз фуқаро бўлими ҳисобида туради. Уларга 8 нафар йўриқчи беминнат хизмат кўрсатиб кел- моқда.

ҲОМИЙЛАР СОВФАСИ

Республикамиз Президентининг 1991 йил 27 май 212-сонли Фармонига асосан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида улар 1353375 сўмлик 9 турдаги меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. 11 нафар эҳтиёжманд шаҳар ҳудудидаги шифохоналарда соғлиқларини тиклади. 3 нафарига эса республика ва вилоят миқёсидаги сийхатдоҳларга бе- пул йўлланма ажратилди. 7 нафар кишининг яшаб турган уй-жойлари ҳамийлар — Термиз пахта тоза- лаш хиссадорлик жамияти, Термиз темир-йўл бош- қармаси томонидан бепул таъмирлаб берилди. Бундан ташқари, Амурдёр порти, вилоят касабаси уюшма тармоқ кўмиталари каби ҳомий ташкилотлар 28 на- фар якка-ёлғиз фуқарога салкам 868 минг сўмлик дори-дармон олиб беришда ўз улушларини қўши- дилар.

Узоқ Ҳазратқуллов, Анатолий Бекшанов, Лидия Су- лаймонова каби 8 нафар уруш ва меҳнат ногирон- ларига махсус аравачалар тўхфа этилди. Термиз шаҳрида жойлашган ташкилотлардан ногирон бола- ларга 185 минг сўмлик аравачалар олиб берилди.

Бўлимимиз Вазирлар Маҳкамасининг 520-сонли Қарорига асосан, кекса ёшдаги пенсионер ва ноги- ронлардан 72 нафарини рўйхатга олиб, уларни ҳомийлар ҳисобидан 367 минг сўмлик озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлади. Кекса ёшдаги нафақахўр ва пенсионерлар диспансер кўри- гидан ўтказилди.

Ўтигилқ ногиронларга «Жовид» хусусий фирмаси вакили иштирокида уларнинг уйларига бориб, ама- лий ва моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳардаги эҳтиёжманд якка-ёлғиз фуқаро ва ногиронлар ҳар томонлама иж- тимоий-иқтисодий ҳимояга олинапти.

Ш.ТОҒАЕВ, Термиз шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудир.

САЙЁРАМИЗ САДДОСИ

АФГОНИСТОНДАГИ БУГУНГИ ВАЗИЯТ



Ҳа, тақдирга қарши бориб бўлмас экан. Бун- тун бир халқни энг қийин кўригилларга дучор қилган тоғлар беш йилдан сўнг Қобу- лни топширишга мажбур бўлдилар. Тоғлар Шимолий Иттифоқ қуроли қучлари тазийқи остида мамлакат жанубига чекинди. Бир му- дат пойтахт бирон-бир куч томонидан иш- гол этилмади. Бирок турли нуфузли халқаро таш- килотлар Афғонистоннинг келажаги ҳақида бош қотира бошладилар. Шу аснода Афғонистон- нинг истиқболи хусусида тўрт йўл хусусида гап борди. Биринчидан, «олти мусбат икки- гуруҳи катта ўрин тутиши керак, деган го- ола сурилди. Маълумки бу гуруҳга Хитой, По- кистон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзе- бекистон, шунингдек, Россия ва АҚШ давлат- лари кирди. Иккинчи йўл, олий жиғра қатнаш- чилари янги ҳукуматни вужудга келтириши ло- зим деган фикр билдирилди. Бунда АҚШ асо- сий ўрнини Афғонистоннинг собиқ қироли Му- ҳаммад Зоҳиршоҳ ўйнаши лозим, деган режа-

ни ўртага ташлади. Франция эса БМТ ҳомий- лигида вақтинчалик маъмурият тузилса, мак- бул иш бўлар эди, деди. Бунга Буюк Брита- ния ҳам қўшилди. Эрон эса БМТ ҳомийлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда Муҳаммад Зоҳиршо- ҳга унчалик рўйхушлик билдирмади.

Орадан унча кўп вақт ўтмади. Пойтахтни эгаллашда катта саъй-ҳаракат кўрсатган Ши- молий Иттифоқ ўз фикрларини билдирди. На- тижанда мамлакатнинг қонуний президенти деб тан олинган Бурхониддин Раббоний пойтахтга қайтди ва ўз вазифаларини ўташга киришди. Асосий вазирлар тарихисидан: ташқи ишлар ва- зирлиги Абдулло, Ички ишлар вазири сифа- тидан Юнус Қонуний, Мудофаа вазири қилиб генерал Муҳаммад Фаҳим тайинландилар.

Айни пайтда Қобулда муваққат бошқару- вни М.Фаҳим раҳбарлигидаги ҳарбий хавфсиз- лик кенгаши жорин амалга оширмоқда. Эн- диликда уч ой ичида мазкур кенгаш «Олий миллий бирлик кенгаши»ни қақриши керак. У мамлакат келажагини белгилайди. Боз устига иттифоқ озод этилган минтақаларда ўзининг ҳокимларини тайинлай бошлади. Бирок бу ҳа- дам БМТнинг махсус вакили Лаҳдар Брахи- мий илгари сурган гога тўри келмаётир. Бун- дай саъй-ҳаракатлар Бирлашган Араб Амир- ликлари пойтахти Абу-Дабида бўладиган уч- рашувида ҳал этилиши керак эди. Бу ҳолат БМТ ҳомийлигида кўп миллатли тинчликпарвар куч- ларни жойлаштириши ҳам кўзда тутди. Ма- зкур қўшинлар Туркия, Малайзия, Урду ҳам- да баъзи бир гарб давлатлари ҳарбийларидан иборат бўлиши мумкин эди. Бу лойиҳа БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан маъқуллани-

ши керак. Ҳозирча Афғонистондаги сиёсий ва ижти- мий вазият ана шундай. Мамлакатнинг ис- тикболдаги тараққиётини ҳозирча ҳеч ким аниқ айтиб бера олмади. Нима бўлганда ҳам Аф- гонистон ўзининг хавфсиз ва саодатли кела- жаги учун кураш олиб бормоқда.

ЎМҒИР — ОБИРАҲМАТ НИШОНАСИ

АҚШга таширф буюрган Россия президенти Владимир Путиннинг АҚШ президенти Жорж Буш билан юзма-юз кўришлари унинг шаҳардан ташқари қароргоҳи — Техас ман- зилгоҳида давом этди. Техас унча катта ҳудуд эмас. У ерда 631 нафар одам яшайди. Таби- ат ҳам бу ерни унчалик аркалатавермайди. Бирок В.Путин таширф буюрган куни Техас- да яхшигина ёмғир ёғди. Уни Ж.Буш яхши- ликка йўйиб «Обираҳмат нишонаси» деб ба- ҳолади. Икки мамлакат ўртасидаги муноса- батлар, Россия ва НАТО алоқалари, терро- ризм ва гиёҳвандликка қарши кураш, ко- нотири биргаликда ўзлаштириш, савдо-сотик масалалари борасидаги музокаралар сама- рали бўлганлигини шарҳчилар тан олмақда- лар.

ОЧИҚ ФАЗОДА ОЛТИ СОАТ

Қоинотда ишлаб турган Халқаро станция фаолиятида яна бир эсда ҳоллари хатти-ҳара- кат амалга оширилди. Станцияда фаолият




кўрсатаётган Владимир Дежурнов ҳамда Аме- рика фазогери Фрэнк Калбертсон икки кун муқаддам очиқ фазога чиқиб, олти соат иш- ладилар. Улар станциянинг кабел тизимла- рини улаш ва Россиянинг «Юлдўз» моду- лидаги «Курс» механизмининг станция билан тўлаштириш билан шуғулландилар. Шунинг- дек, улар Россия модулидаги юк ўқини си- наб кўрдилар ва «Юлдўз»даги қуёш батарея- ларини суратга туширдилар.

ГАЗАНДАЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ



Испанияда Усама бин Лоденнинг 10 на- фар тарафдори ҳибсга олинди. Улар асосан Тунис ва Жазоир фуқаролари экан. Бевоси- та газандаларга раҳбарлик қилиб турган шахс испан миллатига мансуб бўлиб чиқди. Аниқланишича, маҳфий манзилгоҳларда жуда кўплаб ёш йигитлар террорчиларнинг «сир- асқорлари»га ўргатилган ҳамда дунёнинг турли мамлакатларига жўнатилган.

СУД МАХАЧҚАЛАДА ЎТМОҚДА



Догистон пойтахти Махачқалада Чечени- стон айирмачилари раҳбарларидан бири — Солмон Радуев устидан суд бошланди. У «армия генерали» сифатида донг тарафган қотиллардан бўлиб боқинчиллик, террорчи- лик, беғуноҳ одамларни гаровга олиш ва ўлдир- иш билан шуғулланган. «Ясама гене- рал»нинг ҳамтовоқлари Т.Атиреев, А.Алхо- зоров, Х.Ғайсумовлар ҳам қора курсида ўти- рибдилар. Жиний иш 129 томондан иборат бўлиб, 3027 нафар даъвогар бор. 180 киши судга гувоҳ сифатида қақрилган. 1996 йил-

да Қизлар шаҳрига қилинган хуруж жиноят- чиларга асосий айб сифатида қўйилмоқда.

МУҲАББАТ КЎПРИГИ

Краснодар ўлкасининг Рибное шаҳрида антиқа одат аёнага айланган. Кўёв бўли- ши истган йигит биринчи кун ўз машъуқа- сининг хонадонига келиб, унинг дугоналари билан биргаликда «йигитлик вазифаси»ни адо этиш учун йўлга равона бўлади. Бунинг маъноси шундаки, кўёв тўйдан олдинги са- фар давомида келинни шаҳардаги 7 та кўприқдан ўз қўлида кўтариб ўтиши керак. Баъзан муваффақиятсизлик ҳам бўлиб қо- лади. Унда сўнгги сўзни келин айтиши керак. Кенчирдим, деса, вассалом, тўйга фотиха бе- рилади.

ИТБОЗМИСИЗ, МАРҲАМАТ...

Швейцарияда яқинда барон Андреас фон Альбертини деган кимса янги партия туган- лисини эълон қилди. Унинг фикрича, мазкур фирқага кирувчилар, албатта, итбоз бўлиши шарт. Ҳозирча бу партияга 125 нафар киши аъзо бўлиш истгани билдирди. Партия раҳ- намоси истибқоқда бутун жаҳон итбозларини бирлаштириш гоғси билан фаолият юритмоқ- да. Бу ҳақда Швейцарияда чиқадиган «Нойе цюрхер цайтунг» газетасида хабар қилинди. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

Кўна ва хамиша навқирон Жиззах шаҳри яна бир спорт байрамнинг гувоҳи бўлди. Бу ерда 16-17 ноябр кунлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси, ЎзКУФ жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви, касабаси уюшмалари Жиззах вилоят Кенгаши ташаббуси билан соғлиқни сақлаш ходимларининг аънавий III Республика аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди.

ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИДА — ГЎЗАЛЛАР ИШТИРОКИ

Жиззахда соғлиқни сақлаш ходимларининг III Республика аёллар спартакиадасига яқун ясалди

Барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан спортчилар иштирок этган баҳслар гоёт қизгин ва жанговарлик руҳида ўтди. 221 нафар тармоқ ходимлари волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, шашка турлари бўйича беллашдилар. Шуниси эътиборлики, мусобақалар марказлашган ҳолда энг замонавий спорт иншооти саналган Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи мажмуасида ўтказилди.

Шахмат мухлислари Жиззахлик Р.Юсупова, Тошкент вилоятдан Д.Ахророва, қорақалпоғистонлик О.Жақашова, сирдарёлик С.Юсупова, андижонлик У.Абдуллаевалар маҳоратидан мамнун бўлсалар, шашка ихлосмандлари Тошкент вилоятдан Ф.Будаева, қашқадарёлик Д.Сувонкулова, хоразмлик О.Илфосоваларнинг берилган имкониятлардан самарали фойдаланганликларини олқишладилар. Масалан, финал мусобақаларида уч имкониятдан Ф.Будаева 2,5 очко, Д.Сувонкулова 2 очко, О.Илфосова 1,5 очко тўплашга эришди.

Мусобақанинг стритбол тури айниқса, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда ҳар бир команданинг 2 тадан вакили ўзаро баҳс олиб боришди. Имконият топиб қорақалпоғистонлик Гахвар Тожимуродова билан суҳбатлашдик:

— Мен, — дейди у, — стритбол ўйинида биринчи бор иштирок этдим. Мураббийим С.Аблякимова ишончини оқлаб командамиз ғалабасига ўз ҳиссамни қўшаман, деган умиддаман.

Стол теннис бўйича ўтказилаётган беллашуларда қатнашаётган на-

манганлик Наргиза Курбонова ҳаяжонини яширолмайдди:

— Ёшлимдан спортга қизиқаман. Бунинг боиси бор, албатта. Мен ўқиган Чуст шаҳридаги 9-мактабда стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова таҳсил олганидан, унинг мактабдоши бўлганимдан ҳамма фахрланаман.

Волейбол бўйича баҳсларда қорақалпоғистонлик Элмира Раҳматуллаева, наманганлик Нилуфар Ҳомидовалар чапдастлик қилган бўлсалар, енгил атлетикада Тошкент вилоятдан Василаси Войтенко ўз чаққонлигини намойиш этди.

Гоёт қизгин ва баҳсларга бой бўлган мусобақаларга яқун ясалди. Умумжамоалар бўйича Жиззах вилояти биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Сурхондарё вилояти учинчи ўринни эгаллашди.

Спорт турлари бўйича фахрли ўринлар эса қуйидагича бўлди:

Волейбол бўйича:
I. Тошкент шаҳри. II. Андижон шаҳри. III. Фарғона шаҳри.

Стритбол бўйича:
I. Навоий вилояти. II. Тошкент вилояти. III. Сурхондарё вилояти.

Енгил атлетика бўйича:
I. Жиззах вилояти. II. Фарғона вилояти. III. Тошкент вилояти.

Стол теннис бўйича:
I. Бухоро вилояти. II. Хоразм вилояти. III. Жиззах вилояти.

Шахмат бўйича:
I. Жиззах вилояти. II. Тошкент вилояти. III. Қорақалпоғистон Республикаси.

Шашка бўйича:
I. Тошкент вилояти. II. Қашқадарё вилояти. III. Хо-

разм вилояти. Голиб жамоаларга ҳамда фаол иштирокчиларга ташкилий кўмитанинг қимматбаҳо эсдалик совғалари, фахрий ёрлик ва дипломлари топширилди.

Спорт байрами иштирокчилари эътироф қилганларидек, бу каби тад-

бирлар мунтазам ўтказилиши керак. Зотан, спорт фақат танани чинқитириб қолмасдан, кишиларни руҳан бир-бирига яқинлаштиради ҳам. Бу ҳақда меҳмонлар фикрига қулоқ тутишимиз:

Манзура Гафурова, Жондор туман марказий касалхонаси бош терапевти:

— Вилотимизда оиламизни «Спортчилар оиласи», дея эътироф этишадим. Бундан фахрланамиз. Тагин, туманимизнинг чекка қишлоқларида ҳам спортчилар сафи кенгайиб бораётганидан мамнунман. Орузим — мамлакатимиздаги ҳар бир оила аъзоси спорт билан мунтазам шуғуллансин.

Нормўн Элмуродов, Қашқадарё вилоят терма жамоаси мураббийи:

— Жиззах шаҳридаги жаҳон андозалари даражасидаги мазкур спорт иншоотини кўриб, ҳар бир вилоятда ана шундай қурилиш барпо этилишини озуладим. Яратилган бекам-кўст шароит ва ажойиб муҳит ҳар бир спортчини ғалаба сари илҳомлантириб тургандек, назаримда.

Озод Эшонхўжаев, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси ташкилий ишлар бўлими мудири:

— Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олганимиз шарафлидир. Бу муваффақиятнинг таъминлашда Ф.Будаева, Д.Ахророва, И.Ҳафизова, Н.Тухтаулина, Н.Сикорная, В.Войтенко сингари спортчиларимиз жонбозлик кўрсатишди. Мен спортнинг кенг қўлам касб этиб бораётганидан хурсандман.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — БИР ЖАМОА

Тошкент вилояти Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу беллашулар ота-оналар билан биргаликда болаларнинг ҳам саломатликларини мустаҳкамлашда катта ёрдам бермоқда. — деди вилоят тармоқ кўмитаси раиси Мавжудахон Халилова. — Буни тармоқ ишчи-хизматчилари оиласи мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Мусобақалар юқори савияда ўтди. Иштирокчилар футбол дарвозасини аниқ нишон-

лашдилар. Сўнги шарт эркин чиқиш — бадий ҳаваскорлик бўйича бажарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўзбек рақслари ҳам ўз ичига кўплаб спорт элементларини мужассам этган. Бунда ота-оналар ва уларнинг фарзандлари миллий рақсларимизни, давлат тилидаги шеър ва кўшиқларни ижро этдилар.

Бўйича биринчиликни бўйича «Аммофос» ИЧБдан Мадатовлар, Янги Ангрен, ДИЭСидан Раҳматовлар, «Ўзбекнефтегазмаш» корхонасидан Трояновлар оиласи, иккинчи ўринни Янгийўлдаги «Биокимё» хиссадорлик жамиятидан Гопуровлар оиласи, учинчиликни Марказий тематик комплекс экспедициясидан Свиридовлар оиласи эгаллади.

Бадий чиқишлар

Миллий кураш ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Куй-қўшиқ садолари ҳаммани Иброҳим Абдусатторовлар хонадон томон чорлади. Пискент туманидаги Алишер Навоий номили ширкат хўжалиги ёшлари, Қўштепа қишлоғи аҳли тўйхонага йиғилди. Фарғона вилоятдан, Паркент туманидан, Пискент шаҳридан келган меҳмонлар ҳам тўйхонага келдилар.

Санъаткорлар ўз чиқишларини тугатганларидан кейин майдонда миллий кураш беллашуварли бўлиши эълон қилинди. Бош ҳакам — хизмат кўрсатган спорт устаси Тоҳир Беков, ҳакамлар — Ўзбекистон чемпиони Эркин Мусоев, республика спорт федерацияси аъзоси Шавкат Турсунматовлар мусобақа шартларини эълон қилдилар.

Майдонга ўнлаб полвонлар тушдилар. Голиблар қаторида таъкили курашчилар билан биргаликда янги номлар ҳам кашф қилинди. Спортчилар хонадон соҳиб Иброҳим Абдусатторов томонидан қўйилган йигирмага яқин совринлар голибларга тақдим этилди. Ҳомийлар, касабаси уюшмаларининг турли миқдордаги пул мукофотлари ҳам ўз эгаларини топди.

Т. ҲАЙДАРОВ.



МУХЛИСЛАР БЕКОРГА ОЛҚИШЛАМАЙДИ

Ҳадемай, чор атроф қоронғулик пардаси ила ўранди, бобо кўёш шафак нурларини тартиб-ўз ётоғига бош қўяди. Волейболчи хотин-қизлар ўртасида беллашув эса қизигандан-қизимоқда. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини катта қизиқиш билан қўзғаб турган мухлисларнинг биронтаси ўз жойидан жилишни ҳам ҳаёлига келтиргани йўқ.

Ҳа, касабаси уюшмалари Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Янгийўл шаҳар марказий ўйингоҳи ҳамда шаҳар технология коллежи спорт базасида ўтказилган вилоят хотин-қизлар тармоқ спартакиадаси мусобақалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Беллашуларда соҳаннинг ўн битта тармоғи вакиллари 6 та спорт тури бўйича голиблик учун баҳс олиб бордилар.

Дарвоқе, аввало мусобақаларнинг очилиш маросими тўғрисида. Таъкидлаш керакки, мусобақалар дебачасига қизгин тайёргарлик кўрилди. Бу, ўз навбатида, спартакиада очилиш маросимида ўз аксини топди. Айниқса, спартакиада байроғи кўтарилётган паллада барча иштирокчилар, томошабинлар ва ташкилотчиларнинг қўлларини кўксиларига қўйиб мамлакатимиз мадҳиясига жўр бўлишлари барчада катта ҳаяжон уйғотди. Ваҳобжон Охунов раҳбарлигидаги шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги «Қувноқ ёшлигим» бадий вокал ва рақс ансамбли ёш санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлари ҳамда «Турон» спорт клуби жажжи каратэчиларининг кўрғазмили чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди.

Мазлумки, вилоят профессорлиги спортда сўнги йилларда

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА СЎНГИ ВАКТАДА ОТПОРТИ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.

Кўплаб шаҳар ва туманларда секцияларнинг фаолият кўрсатаётганлиги вилоят чавандозларининг турли миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаётди.

ҲАММИЗ ЧАВАНДОЗМИЗ

Яқинда от спорти бўйича ўтказилган Тошкент шаҳар очик биринчилиги ва Ўзбекистон кузги чемпионати мусобақаларида вилоят чавандозлари голиблар сифидан жой олишди. Пойтахт очик биринчилигида мамлакат терма жамоаси аъзоси Сергей Шмелёв 115 сантиметрлик тўсқинлардан ошиб ўтишда энг яхши натижага эришди. Шунингдек, мазкур мусобақада Отабек Абдувалиев ҳамда Иброҳим Йўлдошев ҳам биринчилик голиблигини қўлга киритди.

Мамлакат кузги чемпионатида эса С.Шмелёв зафар қўчди, Иброҳим Йўлдошев эса иккинчи ўрин соҳибига айланди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ.

ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ҲАММИЗ!

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Соғлом турмуш тарзини юзага келтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёс.

Бухоро вилоят Кенгашининг йил бошидаги сессиясида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари билан шуғулланувчи комиссия раиси Нурмухаммад Юсупов ажойиб бир тақлиф билан чиқди.

— Ҳар бир хўжаликда спорт-соғломлаштириш марказлари ташкил қилиб, уларга фуқароларни кенг жалб этишлик.

Халқаро тоифадаги спорт устаси, тиниб-тинчимас инсоннинг ташаббуси вилоят раҳбарлари ва депутатлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Хайрли ишни агроасаноат ходимлари мажмуи касабаси уюшмаси Қорақўл туман кўмитаси раиси, вилоят кенгаши депутаты Нурмухаммад Юсуповнинг ўзи бошлаб берди.

Хуллас, тезда туманининг «Ўзбекистон» ва «Зарафшон» хўжалиқларида футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика

майдонлари, миллий кураш зали, теннис кортини мужассамлаштирган соғломлаштириш мажмуаси бунёд этишга киришилди. Касабаси уюшма фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасалар, Ҳомийлар ёрдамида эса қисқа муддатда қуриб битказилди.

Айни вақтда марказлар қошида машғулотлар ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча қўлайликлар яратилган. Чўмилиш ҳавзаси, душ, сауна, уқалаш хонаси, шифоли сувлар ваннаси, физиотерапия муолажалари, минг дардга даво тоғ ўсимликларидан шифобаҳар чойлар тайёрлайдиган фитобарлар ташкил этилди.

— Аҳолини, айниқса, ёшларни ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик иллатларидан сақлайдиган восита жисмоний тарбия ва спортдир, — дейди кўмита раиси. — Жисмоний соғлом киши манъавий баркамол инсон бўлиб етишади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшлар ва ўсмирлар ҳар хил оммавий спорт тадбирларига кенг жалб этилганлиги туфайли балогатга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайди. Зеро, туманининг 17 хўжалигида яшаб меҳнат қилаётган 12 мингдан ортмиқта кўш суғулланмоқда. Спортсоғломлаштириш марказларидан ташқари, 72 та спорт майдончаси ишлаб турибди. Жисмоний тарбияни ривожлантириш учун касабаси уюшма кўмитаси 1 миллион 100 минг, Ҳомий ташкилотлар 1 миллион сўм маблағ сарфладилар. Масалан, «Қорақўл-2000» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Бобоқул Йўлдошев эса ўзи яшаётган Дабобқ қишлоғида янги ўйингоҳ ва теннис корти қурди.

Бухоронинг олис тумани Қорақўлда ишга тушган спорт-соғломлаштириш марказлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

ЁЛКИН.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслиги: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.